

## CLIL ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШДАГИ МУРАККАБЛИКЛАР

*Алимов Б.Н. ЧДПУ “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси*  
*Шамсуддинова Н. ЧДПУ Бошланғич таълим факультети талабаси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада математикани инглиз тилида CLIL технологиясини қўллаб ўқитишда математика ўқитувчиси, инглиз тили ўқитувчиси ва ўқувчилар учрайдиган ўқув материаллари билан боғлиқ мураккабликлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** CLIL технологияси, инглиз тили, математика, математик сўзлар, матнини инглиз тилида ўқиш, интеграция, мусбат ва манфий сонлар, амалий фаолият.

**Аннотация.** В этой статье освещаются сложности, связанные с учебными материалами, с которыми сталкиваются учитель математики, учитель английского языка и ученики при обучении математике на английском языке с использованием технологии CLIL.

**Ключевые слова:** технология CLIL, английский язык, математика, математические слова, чтение текста на английском языке, интегрирование, положительные и отрицательные числа, практическая деятельность.

**Abstract.** This article highlights the complexities related to the teaching materials that the mathematics teacher, the English language teacher and the students encounter in teaching mathematics in English using CLIL technology.

**Key words:** CLIL technology, English language, mathematics, mathematical words, reading text in English, integration, positive and negative numbers, performance assessment.

Ҳозирги вақтда Европа таълим муассасаларида интеграциялашган, пайдо бўлиши глобаллашув жараёнлари ва дунёда чет тили таълимини ривожлантиришнинг объектив шартлари билан боғлиқ бўлган фан-тил ёндашуви (Content and Language Integrating yoki CLI) кенг қўлланилмоқда. Ушбу таълим ёндашуви Content and Language Integrated Learning (CLIL) икки тилли таълим технологияси- интеграциялашган фан ва тил ўрганишнинг асосини ташкил этди.

CLIL атамаси биринчи марта 1994 йилда Д. Марш томонидан қўлланилган. Д. Маршнинг фикрига кўра, интеграциялашган фан-тил таълими (CLIL) ҳақида фанларни ёки фанлар ичидаги маълум мавзуларни фан доирасида чет тилида ўрганилаётган ва иккита мақсад кўзланган ҳолларда гапириш мумкин: ушбу ўқув фанининг мазмунини ўрганиш билан бир вақтнинг ўзида чет тилини ўрганилади [1].

Кенг маънода CLIL деганда ўқувчиларнинг ўз она тилида умумтаълим фанларидан билим ва кўникмаларини шакллантирадиган ва ривожлантириладиган бир хил таълим шароитларида она тилидан бошқа тилда лингвистик ва коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган дидактик метод тушунилади [2].

Математика ўқитувчилари дарс жараёнида ўзларини қулай ҳис қилишлари учун чет (инглиз) тилини етарли даражада билишлари зарур. Масалан, математика ўқитувчилари:

- мавзунини аниқ ва тушунарли баён қилишлари;
- умумий сўзлашувда синонимларига эга бўлиши мумкин бўлган махсус сўзларнинг талаффузини текширишлари;
- савол жавоб қилиш, сўзларни изоҳлаш, ўқувчиларни рағбатлантиришни назарда тутувчи инглиз тилидан компетенцияларнинг етарли даражасига эга бўлиш зарур.

Инглиз тили ўқитувчиси математикадан CLIL технологиясини қўллаб ҳам дарс бериши ҳам мумкин. Бунинг учун у математикадан етарли даражада билимларга эга бўлиши билан бирга қаторда бу борадаги кўникмаларини эркин қўллаш олиши зарур.

Масалан, инглиз тили ўқитувчиси:

- математик қонунлар, қоидалар ва жараёнларни ўқувчилар билимини чуқурлаштирадиган тарзда тушунтира олиш;
- ўрганилаётган материал бўйича саволларга жавоб беришга тайёр бўлиш;
- ўқувчиларнинг математик сўзларни ва уларнинг талаффузини ўргатиш.

Қўллаб ўқувчилар CLIL технологияси бўйича ўқишнинг дастлабки икки йилида сезиларли ёрдамга мухтож бўладилар.

Кўпинча ўқитувчилар ушбу дастур устида камида бир йил ишламагунларича, ўқувчилар учун у ёки бу вазифани тушуниш ёки муайян муаммони ҳал қилиш учун қанча вақт зарурлигини аниқлай олмайдилар.

Кимгадир мавзу мазмунини тушунишда, кимгадир мавзу матнини инглиз тилида ўқишда ёрдам зарур бўлади.

Янги ўқув материални беришда топшириқ ва машқларни бажаришда, масалаларни ечишда ўқувчиларга табақалаштирган ҳолда ёндашиб билимларни ўзлаштиришда ва мустақамлашда муайян ёрдам кўрсатиш зарур.

Қуйида келтирилган жадвал мусбат ва манфий сонларни ўрганаётган сушт ўзлаштирувчи ўқувчилар учун материални беришни кўрсатиб беради.

types of differentiation	Examples
input	work with numbers between -10 and 10 only
task	complete 8 questions instead of 12

support	provide number lines for those that need them

Қобилиятли ўқувчилар учун ҳам табақалаштирилган ёндашув зарур. Мавзу доирасида ақлий операцияларни ривожлантиришга қаратилган турли вазифаларни ишлаб чиқиш зарур. Шу мақсадда турли АКТ ни қўллаб веб-квестлар, далилларни топишга доир индивидуал топшириқлар ишлаб чиқилиб ва фаол қўлланилади.

CLIL технологиясидан фойдаланиб дарс ўтадиган ўқитувчиларнинг асосий муаммоларидан бири улар ўқитадиган фан бўйича ўқув материалларининг етишмаслигидир. Она тилидаги материални бойитиш ва шу билан бирга тасдиқланган ўқув дастурига риоя қилиш жуда қийин бўлади. Инглиз тилидаги материални муайян ўқувчилар эҳтиёжларига мослаштириш анча машаққатли ва кўп вақт талаб этади. Аксарият ҳолларда ҳар бир мамлакат ўқув адабиётларини ўз давлат тилида нашр этади. Ўқитувчилар CLIL технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқитиш тажрибасини тўплай бориб, ўқув жараёнида инглиз тилидаги онлайн ресурслар ва ўқув нашрларини ўз эҳтиёжига мослаштириб борадилар.

CLIL технологиясида баҳолаш тизимлари жуда кўплаб саволларни келтириб чиқаради. Ўқитувчилар CLIL технологиясидан фойдаланиш жараёнида нималарни баҳолашлари кераклигини билмишмайди: математика бўйича билим ва кўникмалар, инглиз тилини билиш даражаси ёки барчасини биргаликда баҳолаш зарур. Турли мамлакатлар ва мактаблар вакиллари ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш бўйича ўз қарашларига эгалар. CLIL технологиясидан фойдаланиб ўқитишда оралиқ ва якуний навзorat, шунингдек, маълум бир таълим муассасида ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини баҳолашда маълум изчиллик борлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўқувчиларнинг ўзлари ва она тилида баҳолашнинг нега ва қандай ўтказилишини билишлари зарур.

Бу ҳолатда CLIL технологиясининг мазмунли ва тилли таркиб топтирувчиларини ўзлаштиришни назорат қилишни назарда тутувчи амалий фаолиятни баҳолаш (performance assessment) самаралироқ ҳисобланади.

Бундай вазифага мисол:

- бу тегламалар қандай ечилганлигини бошқа ўқувчиларга тушунтиринг?
- графикларни тасвирлаб беринг ва улар маълумотларни қанчалик тўғри ва аниқ фойдаланишини баҳоланг?

Ўқитувчилар ўқувчиларни маълум бир мезонлар асосида баҳолайдилар.

Индивидуал, жуфтликда ёки гуруҳда бажарилган ишлар баҳолаши мумкин. CLIL технологиясида ўқувчилар топшириқларни бажариш жараёнида мавжуд бўлган тил ва фан бўйича билим, кўникма ва малакаларидан қўйилган

топширикни бажаришда фойдаланишини назарда тутувчи task-based learning (топшириклар асосида ўқитиш) қўлланилади. Шундай қилиб, улар ўрганганларини амалий фаолиятда намойиш этадилар. Натижада биз CLIL технологиясида баҳолашнинг асосий шакли сифатида (performance assessment) дан фойдаланиш мумкинлигини айтишимиз мумкин.

Амалий фаолият (performance assessment) ни ўқувчиларнинг коммуникатив, когнитив кўникмаларини шаклланганлиги ва уларнинг бевосита ўқув жараёнининг ўзига муносабатини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин. Масалан ўқитувчи ўқувчининг мулоҳаза қилиб (когнитив малакалар) ва гуруҳнинг бошқа аъзолари билан мулоқот қилиб (ўқитиш жараёнига муносабат) ўз фикри ёки унинг исботини вербаллаштиришда қайси тил воситаларидан фойдаланганлигини баҳолаши мумкин [3].

CLIL технологияси икки тилли таълим технологияси анъанавий ўқув дастуридан чиқишга имкон беради. Ўқувчиларнинг маданий дунёкарашини кенгайтиришга, таълим сифатини яхшилашга, ҳам математикани, ҳам инглиз тилини яхшироқ ўрганишга шунингдек, уларнинг таълим ва меҳнат фаолиятини янада самарали давом эттиришга янги имкониятлар очади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Coyle D., Hood Ph., Marsh D. CLIL: Content and Language Integrated Learning. Cambridge: Cambridge University Press, 2010.
2. Teaching knowledge test (TKT). Content and language integrated learning (CLIL): Glossary 2015. Cambridge: Cambridge University Press. Available at: <https://www.cambridgeenglish.org/images/22194-tkt-clil-glossary-document.pdf> accessed 10.02.2020.
3. Л.Л. Салехова, К.С. Григорьева, М.А. Лукоянова Педагогическая технология двуязычного обучения CLIL. Казан., 2020. 101стр.